O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING

QARORI

2023 yil « 27 » июль №ПҚ–242

**“Фарғонаазот” акциядорлик жамиятида мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш ҳамда ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Кимё тармоғини янада ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг мавжуд қувватларини модернизация қилиш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини татбиқ этиш мақсадида:

**1.** Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг қарорига асосан “Фарғонаазот” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) устав капиталидаги 99,02 фоиз акциялар пакетини хусусийлаштириш бўйича тендер якунлари Жамият акциялар пакетини **130 млн АҚШ доллари** ва **107 млрд сўмга** сотиб олиш ҳамда инвестиция киритиш шарти билан **“Indorama Corporation Pte Ltd” компанияси** савдо ғолиби этиб топилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги “Indorama Corporation Pte Ltd” компанияси билан **инвестиция битимини имзоласин.**

Бунда, Жамиятнинг:

ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш лойиҳаси техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш натижаларига кўра **5 йил муддатда 100 миллион АҚШ доллари** миқдорида **инвестиция киритилиши**;

барча жорий ижтимоий дастурлар сақлаб қолиниши, жумладан ходимлар сонини ва уларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорини қисқартирмаслик, ходимларнинг малакасини ошириш, **экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув тамойиллари (ESG) жорий қилиниши** назарда тутилсин.

**3.** Белгилансинки, Жамият маҳсулотларни **ташқи** ва **ички бозорга тўғридан-тўғри** ёхуд **биржа савдолари орқали** эркин реализация қилади.

**4.** Энергетика вазирлиги, “UzGasTrade” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ Жамиятни хусусийлаштириш бўйича олди-сотди шартномасига мувофиқ табиий газни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни **10 йил давомида маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур ҳажмларда табиий газ билан узлуксиз таъминлаш** чораларини кўрсин.

**5.** Давлат активларини бошқариш агентлиги ва “Ўзкимёсаноат” АЖнинг **1-иловага мувофиқ** хўжалик жамиятлари устав капиталидаги Жамиятга тегишли улушларни (акция пакетларини) Давлат активларини бошқариш агентлигига баланс (қолдиқ) қийматида беғараз бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига **2-иловага мувофиқ** ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**7.** Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиков белгилансин.

Қарор ижросини таъминлаш учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI KANSELYARIYA 1

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 27 июлдаги ПҚ–242-сон қарорига
1-илова

**Давлат активларини бошқариш агентлигига баланс (қолдиқ) қийматида беғараз бериладиган хўжалик жамиятлари устав капиталидаги “Фарғонаазот” АЖга тегишли улуш (акция пакетлари)**
**РЎЙХАТИ**

| Т/р | СТИР | Номи | ТҲШ | Ҳудуд | Улуш ёки акция пакети *(фоизда)* |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 302623299 | “Кимёгар ёшлар маданият боғи” | МЧЖ | Фарғона вилояти | 100,0 |
| 2. | 202360550 | “Кимёсавдотаъминот” | МЧЖ | Тошкент шаҳри | 8,34 |
| 3. | 305048781 | “Ўзкимёимпэкс” * | МЧЖ | Тошкент шаҳри | 0,58 |
| 4. | 306921130 | “РКТУнинг Тошкент шаҳридаги филиали қурилиши дирекцияси” * | МЧЖ | Тошкент шаҳри | 25,05 |
| 5. | 308301085 | “Farmatsevtik PVX” * | МЧЖ | Наманган вилояти | 100,0 |
| 6. | 309013332 | “Fargonamelamine” | МЧЖ | Фарғона вилояти | 26,0 |
| 7. | 200000097 | “Электрокимёзавод” | АЖ | Навоий вилояти | 0,28 |
| 8. | 200547792 | “Микрокредитбанк” | АТБ | Тошкент шаҳри | 0,002 |
| 9. | 200833707 | “Ўзсаноатқурилишбанк” | АТБ | Тошкент шаҳри | 0,08 |
| 10. | 303724021 | “Ўзсаноатэкспорт” | АЖ | Тошкент шаҳри | 1,53 |
| 11. | 200138906 | Марғилон шаҳар “Деҳқон бозори” | АЖ | Фарғона вилояти | 22,93 |

*) “Ўзкимёсаноат” АЖ устав капиталидаги давлат улушини баланс (қолдиқ) қийматига ошириш ҳисобига “Ўзкимёсаноат” АЖга ўтказиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 27 июлдаги ПҚ–242-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматнинг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги “Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3246-сон қарорига 1-илованинг 3-позицияси чиқариб ташлансин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4805-сон қарорига 4-илованинг 1–7-позициялари “Ишлаб чиқариш тармоқлари” устунидаги “Фарғонаазот” АЖ” сўзлари чиқариб ташлансин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021–2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4937-сон қарорида:

6-илованинг 42-позицияси чиқариб ташлансин;

7-илованинг 25 ва 26-позициялари чиқариб ташлансин.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги ПҚ–5171-сон қарори билан тасдиқланган Давлат харидларини амалга ошириш жараёнлари алоҳида тартибда назорат қилинадиган айрим корпоратив ва бюджет буюртмачилари рўйхатининг 7-позицияси чиқариб ташлансин.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги “Табиий газ бозорини ислоҳ қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–280-сон қарорининг 7-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2023–2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–459-сон қарорида:

а) 3-илованинг 78-позицияси, 5-илованинг 37-позицияси ва 7-илованинг 41-позицияси чиқариб ташлансин;

б) 9-илова қуйидаги мазмундаги $47^1$-позиция билан тўлдирилсин:

“

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| $47^1$. | Меламин ишлаб чиқаришни ташкил этиш | Фарғона вилояти | 60 минг т | “Tropidia holding b.v.” (Нидерландия) | 200,0 |

”.

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 мартдаги 107-сон қарори билан тасдиқланган Ташқи қарзларни жалб қилиш, улардан фойдаланиш ва уларнинг миқдорини мақбуллаштириш устидан назорат қилинадиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатида:

а) 19-позиция чиқариб ташлансин;

б) изоҳ қисмида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI *
KANSELYARIYA
1

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
# QARORI

2023 yil «27» июля №ПП–242

## О мерах по эффективному использованию действующих мощностей и обеспечению производства продукции, востребованной на внутреннем и внешнем рынках, в Акционерном обществе «Фаргонаазот»

В целях дальнейшего развития химической отрасли, модернизации действующих мощностей производства химической продукции и организации производства новых видов продукции с привлечением иностранных инвестиций, а также внедрения современных методов корпоративного управления:

**1.** Принять к сведению, что на основании решения Государственной комиссии по проведению тендерных торгов при продаже государственного имущества по итогам тендера по приватизации 99,2-процентного пакета акций в уставном капитале Акционерного общества «Фаргонаазот» (далее – Общество) с условием приобретения пакета акций Общества за **130 миллионов долларов США** и **107 миллиардов сумов** и внесением инвестиций победителем торгов признана **компания «Indorama Corporation Pte Ltd»**.

**2.** Министерству инвестиций, промышленности и торговли Республики Узбекистан **подписать** от имени Правительства Республики Узбекистан **инвестиционное соглашение** с компанией «Indorama Corporation Pte Ltd».

При этом предусмотреть:

**внесение инвестиций** в размере **100 миллионов долларов США в течение 5 лет** по результатам разработки технико-экономического обоснования проекта модернизации производственных мощностей Общества;

сохранение всех действующих социальных программ, в том числе несокращение численности работников и размера оплаты их труда, повышение квалификации сотрудников Общества, **внедрение принципов экологического, социального и корпоративного управления (ESG)**.

**3.** Установить, что Общество самостоятельно реализует продукцию **на внутреннем** и **внешнем рынках напрямую** или **через биржевые торги**.

**4.** Министерству энергетики, АО «UzGasTrade» и АО «Узтрансгаз» в соответствии с договором купли-продажи о приватизации Общества исходя из возможностей производства и поставки природного газа **принять меры по бесперебойному обеспечению Общества природным газом в течение 10 лет в объемах**, необходимых для производства продукции.

**5.** Одобрить предложение Агентства по управлению государственными активами и АО «Узкимёсаноат» о безвозмезной передаче Агентству по управлению государственными активами долей (пакетов акций), принадлежащих Обществу, в уставном капитале хозяйственных обществ по балансовой (остаточной) стоимости, **согласно приложению № 1**.

**6.** Внести изменения и дополнения в некоторые решения Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан, **согласно приложению № 2.**

**7.** Возложить на директора Агентства по управлению государственными активами Ортикова А.Ж. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего постановления.

Осуществление координации и контроля за деятельностью ведомств, ответственных за исполнение настоящего постановления, возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н.

**Президент**
**Республики Узбекистан** **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

город Ташкент

Приложение № 1
к постановлению Президента Республики Узбекистан
от 27 июля 2023 года № ПП– 242

## ПЕРЕЧЕНЬ
## долей (пакетов акций), принадлежащих АО “Фаргонаазот”, в уставном капитале хозяйственных обществ, передаваемых Агентству по управлению государственными активами по балансовой (остаточной) стоимости

| № | ИНН | Наименование | ОПФ | Регион | Доли или пакеты акций (в процентах) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 302623299 | «Кимёгар ёшлар маданият боги» | ООО | Ферганская область | 100,0 |
| 2. | 202360550 | «Кимёсавдотаъминот» | ООО | Город Ташкент | 8,34 |
| 3. | 305048781 | «Узкимёимпэкс» * | ООО | Город Ташкент | 0,58 |
| 4. | 306921130 | «РКТУнинг Тошкент шахридаги филиали курилиши дирекцияси»* | ООО | Город Ташкент | 25,05 |
| 5. | 308301085 | «Farmatsevtik PVX»* | ООО | Наманганская область | 100,0 |
| 6. | 309013332 | «Fargonamelamine» | ООО | Ферганская область | 26,0 |
| 7. | 200000097 | «Электрохимзавод» | АО | Навоийская область | 0,28 |
| 8. | 200547792 | «Микрокредитбанк» | АКБ | Город Ташкент | 0,002 |
| 9. | 200833707 | «Узпромстройбанк» | АКБ | Город Ташкент | 0,08 |
| 10. | 303724021 | «Узсаноатэкспорт» | АО | Город Ташкент | 1,53 |
| 11. | 200138906 | Дехканский рынок города Маргилана | АО | Ферганская область | 22,93 |

*) передаются АО «Узкимёсаноат» за счет увеличения государственной доли в уставном капитале АО «Узкимёсаноат» по балансовой (остаточной) стоимости.

Приложение № 2
к постановлению Президента Республики Узбекистан
от 27 июля 2023 года № ПП–242

**Изменения и дополнения,
вносимые в некоторые решения Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан**

**1.** Позицию 3 приложения № 1 к постановлению Президента Республики Узбекистан от 29 августа 2017 года № ПП–3246 «О мерах по совершенствованию экспортно-импортной деятельности организаций химической промышленности» исключить.

**2.** В тексте на государственном языке в графе «Ишлаб чиқариш тармоқлари» позиций 1–7 приложения № 4 к постановлению Президента Республики Узбекистан от 12 августа 2020 года № ПП–4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и «биология» слова «Фарғонаазот» АЖ» исключить.

**3.** В постановлении Президента Республики Узбекистан от 28 декабря 2020 года № ПП–4937 «О мерах по реализации Инвестиционной программы Республики Узбекистан на 2021–2023 годы»:

позицию 42 приложения № 6 исключить;

позиции 25 и 26 приложения № 7 исключить.

**4.** Позицию 7 Перечня отдельных корпоративных и бюджетных заказчиков, процесс осуществления государственных закупок которыми контролируется в особом порядке, утвержденного постановлением Президента Республики Узбекистан от 2 июля 2021 года № ПП–5171 исключить.

**5.** Пункт 7 постановления Президента Республики Узбекистан от 15 июня 2022 года № ПП–280 «О дополнительных мерах по реформированию рынка природного газа» признать утратившим силу.

**6.** В постановлении Президента Республики Узбекистан от 28 декабря 2022 года № ПП–459 «О мерах по реализации Инвестиционной программы Республики Узбекистан на 2023–2025 годы»:

а) позицию 78 приложения № 3, позицию 37 приложения № 5 и позицию 41 приложения № 7 исключить;

б) текст на государственном языке приложения № 9 дополнить позицией $47^{1}$ следующего содержания:

«

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| $47^{1}$. | Меламин ишлаб чиқаришни ташкил этиш | Фарғона вилояти | 60 минг т | «Tropidia holding b.v.» (Нидерландия) | 200,0 |

».

**7.** В Перечне предприятий с государственным участием, над которыми осуществляется контроль в части привлечения, использования и оптимизации размеров внешних заимствований, утвержденном постановлением Кабинета Министров от 9 марта 2022 года № 107:

а) позицию 19 исключить;

б) в примечании:

абзац второй исключить;

абзац третий считать абзацем вторым.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1